ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00854

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

С. А. Тоштемирова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

А. К. Нафасов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Қўқон хонлигининг Россия империяси билан олиб борилган ўзаро сиёсий ҳамда дипломатик алоқалар тарихининг тарихшунослиги бўйича манбалар даврлаштирилган ҳолда таҳлил қилинган. Қўқон хонлиги дипломатик муносабатлари тарихшунослигидаги манбаларнинг ўзига хос жиҳатлари, турли даврларда яратилган тарихий-илмий асарларда келтирилган илмий мулоҳазалардаги турлича ёндашувлар баён этилган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, Россия империяси, даврлаштириш, таҳлил, тарихнавислик, манбалар, тадқиқот ишлари, сиёсий тарих, савдо алоқалари, дипломатик алоқалар, элчилик муносабатлари, ички ва ташқи савдо, мафкуравий тазийқ, гурухбозлик, тарихийлик, илмийлик, объективлик, ишончлилик

SOME COMMENTS ON THE STUDY OF THE HISTORY OF DIPLOMATIC RELATIONS BETWEEN THE KOKAND KHANATE AND RUSSIA

ABSTRACT

This article periodically analyzes the sources on the historiography of the history of political and diplomatic relations of the Kokand Khanate with the Russian Empire. The peculiarities of the sources in the historiography of diplomatic relations of the Kokand khanate, the different approaches in the scientific considerations presented in the historical-scientific works created in different periods are described.

Keywords: Kokand khanate, Russian empire, periodization, analysis, historiography, sources, research, political history, trade relations, diplomatic relations, embassy relations, domestic and foreign trade, ideological pressure, grouping, historical, scientific, objectivity, reliability

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00854

КИРИШ

Тарих ва тарихий жараёнлар, сиёсий-тарихий вазият уларнинг рўй беришидаги асосий сабаб ва хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда ҳар томонлама таҳлил қилиш тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишида катта омил ҳисобланади. Тарихий олимлар томонидан Ўзбекистон тарихининг турли соҳалари юзасидан жуда кўплаб тадқиқотлар ва турли муаммолари юзасидан изланишлар олиб борилган бўлсада, бугунги кунгача Ўзбекистон тарихи соҳаларининг барча масалалари тўлиқлигича тадқиқ қилиб бўлинган деб бўлмайди. Айниқса, турли даврларда яратилган тарихий илмий асарларда муаллифларнинг тадқиқот масалаларига турлича ёндашувлари фикрлар ва хулосаларнинг ҳам турлича бўлишига олиб келган.

Уларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва тарихийлик, илмийлик ва холисликка асосланилганэенг тўғри хулосаларни чиқариш бугунги кун тарихчи мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Бугунги кунда тарих фанига қўйилаётган талаблар ўтмишни синчиклаб ўрганиш, жамият олдида турган муаммоларни бор мураккаблиги билан баҳолаш, уларни ҳал этишга бўлган ёндашувлар ва нуқтаи-назарларни таҳлил этиб, улардан бугунги кун учун зарур хулосаларни чиқаришни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Қўқон хонлиги узоқ йиллар давомида қўшни давлатлар билан савдо, иқтисодий ва дипломатик алоқалар ўрнатиб келган. Хонликларнинг Россия билан олиб борган турли даврлардаги муносабатлари тарихини ўрганиш асосан XIX асрнинг ўрталаридан бошланган. XIX асрнинг 30 йилларидан XX асрнинг бошларида Ф.Назаров, Н.И.Потанин, В.В.Веляминов-Зернов, М.Н.Галкин, А.Нурекин ва бошқа олимлар томонидан яратилган Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик даври бўйича яратилган асарларда Қўқон хонлигининг Россия билан ўзаро алоқалари тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган. Шу билан бир қаторда айнан шу даврда рус шарқшунос олимлари В.Бартольд, В.Пянков, Н.Остроумов, В.Наливкин, В.Веселовский, Е.Смирнов, М.А.Терентев, Н.Павлов, А.Н.Куропаткин ва бошқалар Россия империясининг Қўқон хонлигини мустамлакага айлантиришига доир бир қатор асарлар қолдирган.

Совет даври тарихшунослигида эса С.Сагатов, С.Тилеуқулов, Р.Бекназаров, А.Хасанов, Х.Иноятова, Ҳ.Зиёев, Ҳ.Бобобеков, О.Бўриев, А.Ўринбоев ва бошқа олимларимизнинг илмий тадқиқотларида Қўқон

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00854

хонлигининг Россия томонидан босиб олиниши архив хужжатлари ва манбалар асосида ёритилган бўлса-да, улар ўз фаолиятлари давомида коммунистик мафкура тазйиқи натижасида жараёнларнинг асл моҳиятини очиб беришда кўп тўсқинликларка учраган.

Мустақиллик йилларида ҳам Ҳ.Зиёев ва Ҳ.Бобобековлар бу йўналишдаги тадқиқотларини янги бир талқинда ёритиб беришга муваффақ бўлди. Ш.Воҳидов, Ж.Исмоилова, З.Илҳомов, В.Ишқувватов, С.Тиллабоев, Ш.Махмудовлар ҳам Қўқон хонлиги тарихини тадқиқ қилган.

Қўқон хонлиги тарихи бўйича яратилган асарлар ва илмий тадқиқотларнинг салоҳияти жуда катта. Хонлик тарихини ёритишдаги бундай муносабат ушбу ҳолни тарихшунослик нуқтаи-назаридан чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Қўқон хонлиги тарихини тарихшунослик нуқтаи-назаридан даврлаштиришнинг қуйидагича анъанаси бугунги кунда асосий ҳисобланади: биринчи давр - XIX асрнинг 30-йилларидан – XX асрнинг бошларигача; иккинчи давр - Совет даври тарихшунослиги (1917-1991 йй); учинчи давр - Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги йиллар (1991 йил 31 августдан бугунги кунларгача)ни ўз ичига олади[1].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тарихшунос олимлар Қўқон хонлигининг Россия билан ўзаро муносабатларини ўрганар экан, улар Шўролар давр тарихи билан шуғулланган тарихчиларнинг тарихшунослигидаги фикрларини инкор қилади. Бу масала Шўролар даври тарихшунослигида “Қўқон хонлиги Россияга қўшиб олинган”, дея талқин этилган, XIX аср иккинчи ярми тарихшунослари эса Россия империясининг Ўрта Осиёга олиб борган сиёсатини босқинчилик деб талқин қилдилар[2]. Қўқон хонлигида фаолият олиб борган олимлар томонидан қолдирилган асарларда Чор Россияси босқини кенг ёритилган, жумладан Аваз Муҳаммад Аттор, Абу Убайдуллоҳ Тошкандий, Мулла Холбек ва бошқалар бу масалаларни объектив келтириб ўтган. Бироқ бу асарларнинг аксарияти тўлиқ сақланмаган, улардаги маълумотлар қисман кейинги илмий тадқиқотлар доирасига киритилган.

Аваз Муҳаммад Атторнинг “Тарихи жаҳонномаи” асари XIX аср ўрталаридаги Россия империясининг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсати ва ҳарбий фаолияти, Авлиёота, Чимкент, Тошкент, Жиззах, Ўратепа каби шаҳарлар учун олиб борилган урушлар, маҳаллий ҳалқнинг қаршилик жасоратлари баён этилган. Бу асарнинг хонликни Россия томонидан босиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00854

олиниш қисми 1990 йилда “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилган. Аваз Муҳаммад Аттор асари тадқиқотчиси Ш.Вохидов томонидан тақдим қилинган асарларда “Тарихи жаҳонномаи” асаридаги кўплаб маълумотлар келтирилган. Ш.Вохидов ўз асарларида Абу Убайдуллоҳ Тошкандий ҳам “Хулосот ул-аҳвол” асарида Тошкент аҳолисининг Чоризм билан олиб борган ўзаро муносбатлари, сулҳ шартлари каби масалалар ёритиб берилган. Бу асар ҳам қўлёзма ҳолатида бўлиб, тадқиқотчи манбанинг қониқарсиз аҳволда етиб келганлиги, саҳифалардаги йўқотишлар илмий изланишда қийинчилик туғдирганини таъкидлаб ўтган[3].

Ҳ.Зиёев, Г.Ҳидоятовлар монографиялари ва И.Стаценко, Е.Қосимбеков, Р.Бекназаровларнинг тадқиқотларида ҳам Қўқон хонлигининг Россияга қўшиб олиниш ҳақида сўз юритилади. Бу давр тарихчиларининг асарларида “Қўқон хонлигининг Россияга қўшиб олиниши” масаласининг бу тарзда ифодаланишига сабаб Чор Россиясида Шўролар тизими ўрнатилгач, уларнинг Туркистонда олиб борган сиёсатини қоралаб, қизил аскарлар, болъшевиклар умуман янги тизимининг ўрнатилишини оқлаш ва ҳимоя этиш мақсадида кўплаб асарлар вужудга келди. XX асрнинг 20-йилларида Чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликлари билан олиб борган сиёсати буюк миллатчилик, босқинчилик руҳи ва мавзусида олиб борилган маълум, бироқ ўша даврларда Россиянинг Ўрта Осиёдаги манфаатлари доимий мавжудлигини ва Туркистон халқларининг тақдирини Россия билан бир бўлганлигини исботлаш учун Шўролар даври тарихчилари босқинчилик ва босиб олиниш ўрнини “қўшиб олинган”, дея талқин қилишди[4, 5].

Қўқон хонлиги ва Россия ўртасидаги алоқалар тарихи бўйича Ф.Ғаффоров илмий тадқиқоти ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур тадқиқотда Қўқон хонлиги ва Россия дипломатик муносабатлари асосан савдо алоқалари билан боғлаб ўрганишга катта эътибор қаратилган. Ишда асосан Ўзбекистон ва Қозоғистон архив хужжатларидан фойдаланган, тадқиқотчининг Россия архивларидан фойдаланмаганлиги сабабли 1842-1867 йиллар орасидаги дипломатик муносабатлар ва унинг тарихшунослиги келтирилмаган[6].

Р.Н.Набиевнинг асарида ҳам Қўқон-Россия муносабатларига оид муҳим манбаларга асосланилган маълумотлар келтириб ўтилган. Маълумки XX асрнинг 70-йилларида маҳаллий олимлар ўртасида ўтмишни манбалар асосида яратишга интилган олимларга нисбатан мафкуравий тазийқ оқибатида гуруҳбозлик ва ўзаро низолар учрайди. Бунга жавобан Ўз КП МҚнинг 1973 йил июнь пленумида “Ўтмишни идеализациялаштиришга қарши” қарор қабул

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00854

қилинди. Шу қарорга кўра баъзи ноёб асарлар сотувлардан йиғиб олинди, баъзилари ёқиб юборилди. Жумладан Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари сотувдан йиғиб олиниб ёқиб юборилган, Р.Набиевнинг Қўқон хонлиги тарихига бағишланган асари таъқиб остига олинган. Шу сабабли ҳам бу даврда кўплаб маҳаллий тарихчилар Қўқон хонлиги билан боғлиқ тарихий жараёнларни тадқиқ қилишни четлаб ўтди. XX асрнинг 80-йиллари, “қайта қуриш” йилларига келибгина бу асарлар яна тарқатила бошланди, сотувларга чиқарилди. Р.Набиев асари ҳам 1985-1987 йилларда яна тарқатила бошланди[7].

1989 йилги “Фан ва турмуш” журналида Ҳ.Бобобековнинг “Ўрта Осиёни Россия босиб олганми?” ва “Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми?” номли мақолалари тарихимизнинг янгича ёндашувдаги саҳифаларини очилишига туртки бўлди. Бу каби мақолаларда келтирилган тарихий фикрлар Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинганлигини исботлаб берди.

1990 йилда шарқшунос олим Б.Лунин Қўқон хонлигининг Россия билан ўзаро алоқаларини, элчилик муносабатларини ўзида ифодалаган илмий тўпламни нашр этишга муваффақ бўлди. Тўпламга 1830 йилда Қўқон хонлигига расмий ташриф буюрган Г.Потаниннинг маълумотлари ҳам киритилди ва бу асар Россия-Қўқон дипломатик муносабатларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади[3].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи ҳар томонлама холис ва илмий ёритила бошланди. Айниқса, ўзбек давлатчилиги тарихи ва унинг жаҳон цивилизацияси тараққиёти жараёнларида тутган ўрнини ёритишга катта эътибор қаратилди. 1993 йилда тарихчи олимлар томонидан нашр қилинган “Ўзбекистон тарихи” монографиясида 1810, 1813, 1822, 1830, 1831, 1841 йилларда Қўқондан Россияга юборилган элчилик муносабатлари тарихи баён этилди. Шу билан бир қаторда шу даврдан бошлаб умумий ўрта ва олий таълимдаги тарих дарсликларига нисбатан ёндашувлар ҳам ўзгарди, қайта нашр қилинди, илк марта умумий ўрта таълим тизимидаги тарих дасрликларига Қўқон хонлиги ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқалар бўйича маълумотлар киритилди[2].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини кенг ва объектив ўрганишга эътибор янада кучайганлигини Ш.Каримов ва Р.Шамсутдиновларнинг “Туркистон Русия босқини даврида”, Ҳ.Бобобековнинг “Қўқон тарихи” ва “Пўлатхон қўзғолони” номли монографияларида, Ҳ.Ғуломовнинг тарихий рисоласида ҳам Чор Россиясининг Ўрта Осиё

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00854

хонликлари билан бўлган турли муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Масалан Ҳ.Бобобековнинг “Қўқон тарихи” китобида хонликни қисқача тарихи баён этилиб, асосий эътиборни “халқ харакатлари”га, шунингдек хонликнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига қаратган. Асарнинг “Қўқоннинг қисқача сиёсий тарихи” номли бўлимида Қўқон хонлари, жумладан, Умархон, Мухаммад Алихон, Маллахон, Худоёрхон, Насриддинхон даврида бўлган хонликнинг Россия билан бўлган дипломатик алоқалари келтириб ўтилган[8].

Қўқон хонлигининг Россия билан дипломатик муносабатлари Ҳ.Ғуломовнинг монография ва докторлик тадқиқот ишларидан ҳам ўз аксини топган. Қўқон хонлигининг Россия империяси томонидан забт этилиши ва уларга қарши олиб борилган ҳаракатлар тафсилотлари, бу жангларда қаҳрамонлик кўрсатган маҳаллий ватанпарварлар тўғрисидаги тарихий маълумотларни Ҳ.Зияев томонидан тақдим қилинган асарларда ҳам кўриш мумкин[3].

З.А.Илҳомов томонидан Қўқон хонлигининг XIX аср 50-60 йилларидаги сиёсий тарихи, хусусан, хонликнинг чор Россиясига қарши курашларининг тарихи ёритилган. Шунингдек мазкур асарда Қўқон хонлиги саркардаси амирлашкар Аликули ва унинг хонлик сиёсий тарихида тутган ўрни ёритилиши билан бирга, хонликнинг ташқи давлатлар билан дипломатик алоқалари тарихи, хонликда амалга оширилган ҳарбий ва давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар жараёнлари ҳам ёритиб берилган[9].

В.Ишқувватов томонидан амалга оширилган тадқиқотда эса хонликнинг XIX аср биринчи ярмида амалга оширган дипломатик алоқалари тарихининг тарихшунослик масалалари келтириб ўтилган[10]. С.Қўлдошев томонидан амалга оширилган “Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар (XVIII-XIX асрнинг ўрталари)” мавзусидаги тадқиқот иши орқали хонликнинг сиёсий тарихий жараёнлари билан танишиш билан бир қаторда хонлик томонидан Россия империясига ва ўз навбатида империя томонидан Қўқон хонлигига юборилган бир қатор элчилар, уларнинг фаолияти, амалга оширган ишлари, элчилик муносабатлари ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин. Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўринлардан бирини эгаллаган Қўқон хонлиги ва унинг ташқи сиёсати ҳамда дипломатик алоқалари тарихини ёритиб беришга бағишланган мазкур тадқиқот ишида жуда кўплаб янги маълумотлар келтирилган ва турли тилларда ёзиб қолдирилган манбалар ишга жалб этилган ва буни тадқиқотчининг энг катта

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00854

ютуқларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги кўрсатиб берилган ва бунда Шарқий Туркистоннинг тарихий жараёнлардаги ўзбек хонликлари билан алоқалари, хусусан Қўқон хонлиги билан савдо, иқтисодий ва сиёсий, маданий соҳалардаги алоқалари тарихини манбалар асосида ёритиб бериш ва илмий жиҳатдан таҳлил этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, бу қисмда ишнинг назарий методологик асослари, ўрганилиши даражаси ва тарихшунослик масалалари, тадқиқот чегаралари ҳамда ишнинг илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган. С.Қўлдошевнинг бу тадқиқот ишида Марказий Осиёда кечган ижтимоий сиёсий жараёнлар ва уларда Шарқий Туркистон халқлари ҳамда Қўқон хонлигининг маълум даражадаги иштироки, ўзаро муносабатлари ва ўзаро таъсири жараёнларини очиб беришга йўналтирилган. Бунда тадқиқотчи томонидан Қўқон хонлигининг нафақат Шарқий Туркистон билан, балки Хитой билан муносабатлари ва ўзаро алоқаларини ёритиб беришга ҳам катта эътибор қаратилган. Шунингдек ҳар икки ҳудуд ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида айрим вақтларда Хитой императорлари ва Қўқон ҳукмдорлари ўртасидаги элчилик муносабатлари ва ҳолатлари ҳам ёритиб берилган. Бу бобда бугунги кунда тарих китобларида кўзга ташланмаган бир қатор янги маълумотлар кўриш мумкин ва тадқиқотчи бу маълумотларни илмий жиҳатдан турли манбалар ва муаллифларнинг хулосаларига асосланган ҳолда исботлашга ҳаракат қилган. Шунингдек фаолияти маълум даражада илмий адабиётларда ўз аксини топган бир қатор тарихий шахслар (Умархон, Ердонабий, Муҳаммад Алихон, Жаҳонгирхонтўра, Валихонтўра, Ёқуббек Бадавлат ва бошқ) билан бир қаторда номлари кам учраган ёки бизга номаълум бўлган тарихий шахслар (амалдорлар, елчилар, савдогарлар ва бошқ) ва уларнинг икки ҳудуд ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги иштироки ва ўрни масалалари ёритиб берилган[11].

Мустақиллик йилларида Қўқон хонлиги тарихига оид амалга оширилган илмий тадқиқотлардан яна бири З.Мадрахимов томонидан амалга оширилган “Қўқон хонлигида савдо муносабатлари” номли диссертация ишидир. Тадқиқот ўзбек хонликлари орасида муҳим ўрин тутган Қўқон хонлигининг ички ва ташқи савдо муносабатларидаги иштироки, ўрни ва савдо муносабатларининг хусусиятлари, иқтисодий соҳанинг ўзига хос жиҳатларини манбаларга ва статистик ҳужжатларга асосланган ҳолда ёритиб берилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқотда Қўқон хонлигининг савдо марказлари ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим вилоятлари ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00854

ҳудудларининг хонлик иқтисодий ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб берилган. Шунингдек, муаллиф томонидан Қўқон хонлиги сиёсий тарихини қоридаги даврлаштиришдан фарқли равишда тўрт босқичга бўлиб ўрганишнинг тавсия этилганлиги ва бу жараёнларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнлар билан боғлиқлиги хусусида айрим фикрларнинг берилиши ҳам ишнинг ютуғидир. Тадқиқот ишининг кейинги қисмларида хонликдаги савдо муносабатлари ва пул муомаласига оид жуда муҳим маълумотлар келтирилган бўлиб, иқтисодий муносабатларда амалда қўлланилган айирбошлаш воситалари, хусусан тангаларнинг турлари, уларнинг турли даражадаги оғирлик ўлчовлари ва қийматлари, пул зарб этиш жараёни ва унинг турли ўзига хос амалиётлари ҳақида манбаларга асосланилган маълумотлар келтириб ўтилган. Ҳар бир қисм сўнггида келтириб ўтилган маълумотлар юзасидан умумий хулосалар ва тахлилий маълумотлар бериб ўтилган ва бу шубҳасиз муаллифнинг масалага илмий-таҳлилий жиҳатдан жиддий ёндашганлигини кўрсатиб беради. Бу тадқиқот ишида Қўқон хонлигининг қўшни мамлакатлар билан ташқи савдо муносабатларидаги ўрни, савдо йўллари ва уларнинг муҳим йўналишлари, турли савдо йўналишлари бўйича бозорларга келтирилган ва олиб кетилган товарлар ва уларнинг турлари, миқдорлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтириб ўтилган. Шу билан бирга хонликнинг ташқи савдо муносабатларида яқин қўшнилар, Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлиги билан олиб борган савдо-иқтисодий алоқалари ҳақида ҳам сўз юритилиб, бундай алоқаларнинг ҳар учала давлат учун аҳамияти ва муҳим жиҳатларини кўрсатиб берилган[12]. Тадқиқот ишининг эътиборга молик қисмларидан бири - савдо-иқтисодий муносабатларнинг этно-интеграцион соҳадаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилганлигидир. Бунда қўшни мамлакатлар ва ҳорижий давлатлардан келган савдогарлар ва уларнинг хонлик савдосидаги иштироки, уларга хонлик ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан яратиб берилган шароитлар, савдо билан бир вақтда турли миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам қимматли маълумотлар билан бойитилган ва булар Қўқон хонлиги ташқи давлатлар учун нафақат тенг хуқуқли иқтисодий ҳамкор бўлганлиги, балки сиёсий ва миллий масалаларда ҳам давлатнинг қатъий сиёсати мавжуд бўлганлигини кўрсатиб беради[13].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қўқон хонлигининг Россия империяси билан олиб борилган дипломатик муносабатлари хонликда яшаган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мҳим аҳамият касб этган. Дипломатик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00854

муносабатлар асосан сиёсий, иқтисодий, савдо ва элчилик муносабатлари орқали амалга оширилган ва бу минтақанинг нафақат иқтисодий, балки маданий соҳадаги тажриба алмашунувларида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Юқорида келтириб ўтилган асарлар, хонлик сиёсий тарихини ёритиб берувчи илмий тадқиқотлар ва уларда кўтарилган масалаларнинг мазмуни ва моҳиятидан англаш мумкинки, мустақиллик йиллари келиб Қўқон хонлиги тарихини ўрганиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан хонлик тарихига оид ёзма манбаларни тадқиқ этиш, таржима ва нашр қилиш бобида талай ижобий ишлар амалга оширилди. Хонлик тарихининг кам ўрганилган жиҳатлари, жумладан, Россия билан дипломатик алоқалари, уни чор қўшинлари томонидан истило қилиниши масалалари янгича ёндашувлар асосида ёритиб берилди.

REFERENCES

1. Воҳидов Ш.Ҳ. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши / тарих фанлари д-ри илм. дисс.. 1998.
2. Илҳомов З.А.Қўқон хонлиги тарихшунослигининг айрим масалалари. -Т.: 2007.
3. Топилдиев Н. Қўқон хонлигининг Россия билан дипломатик алоқалари тарихидан. –Т.: ЎзР ФА, “Фан” нашриёти, 2007.
4. Зияев Х. Средняя Азия и Сибирь (вторая половина 16-19 вв) –Т.: 1964.
5. Хидоятов Г. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце 19 в. (60-70-х гг.) –Т.: 1969.
6. Ғаффоров Ф. 19 асрнинг биринчи ярми ва 60-70 йилларда Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. –Т.: 1970.
7. Ишқуватов В. Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари Т. Янги аср авлоди. 2009.
8. Бобобеков Н. Қўқон тарихи. –Т.: 1996.
9. Илҳомов З.А. “Аликули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни” / тарих фан. номз. дисс... -Т.: 2004.
10. Ишқуватов. В. Қўқон Россия диплматик алоқлари тарихшунослиги. тарих фан. номз. дисс.. -Тошкент, 2004.
11. Қўлдошев Ш. “Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар (XVIII-XIX асрнинг ўрталари)” тарих фан. номз. дисс... -Т.: 2009.
12. Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари тарихи / Монография –Тошкент. “Янги нашр”, 2014. .
13. ИлҳомовЗ., Атаджанов Ш., Ишқувватов В. Аллаева Н. Ўзбек хонликлари тарихшунослиги / Қўлланма. –Т.: Янги аср авлоди. 2011.